

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРСАЛИХОВА НАРГИС ХАЙРУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА ТОРСН – ИНФЕКЦИЯ БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН
ШИФОХОНАГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЗОТИЛЖАМ (УЧРАШ
ДАРАЖАСИ, ТАШҲИСИ, ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ)**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Мирсалихова Наргис Хайруллаевна

Болаларда TORCH – инфекция билан ассоциирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам (учраш даражаси, ташҳиси, даволашни такомиллаштириш)..... 3

Мирсалихова Наргис Хайруллаевна

Внебольничная пневмония, ассоциированная с TORCH-инфекцией у детей (частота встречаемости, диагностика, совершенствование лечения)..... 31

Mirsalixova Nargis Khayrullaevna

Community-acquired pneumonia associated with TORCH infection in children (incidence rate, diagnostics, treatment improvement) 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРСАЛИХОВА НАРГИС ХАЙРУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА TORCH – ИНФЕКЦИЯ БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН
ШИФОХОНАГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЗОТИЛЖАМ (УЧРАШ
ДАРАЖАСИ, ТАШҲИСИ, ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ)**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шомансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамадиева Лола Атамуратовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда охириги йилларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам – замонавий педиатриянинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Сўнгги 15 йил ичида зотилжам туфайли болалар ўлимининг камайиши кузатилган бўлсада, у ривожланаётган мамлакатларда ўлимнинг ўта муҳим сабаби бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили туғилган 125 миллион боладан «...йилига 10 миллиони 1-йилнинг охиригача ва яна 5 миллиони -5 йилгача яшамайди. Шунингдек, салбий оқибатларнинг учдан бир қисми ўткир респиратор инфекциялари ва зотилжамга боғлиқ. Болалар ўлими сабаблари орасида нафас йўллари инфекциялари ўртача 10-15% ни ташкил этади...»¹. Бундай инфекцияларга биринчи навбатда микоплазма, герпес-вирус, цитомегаловирус ва хламидия инфекциялари киради. Микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни комплекс патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда дифференциал ёндашувларни такомиллаштириш ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда педиатриянинг устувор йўналишлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар орасида TORCH-инфекцияси билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам (ШББЗ) етакчи ўринни эгаллайди. Айниқса, эрта ёшдаги болалар орасида микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам атипик кечиши билан ажралиб туради ва уларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради, бу эса асосий тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Болаларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан ассоцирланган микст инфекцияларини патогенетик механизмларини шаклланишини, прогностик хавф омилларини аниқлаш, замонавий клиник-диагностик тадқиқот усуллари орқали ташхислаш мезонларини аниқлаш ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган болаларда ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни

¹ <http://www.who.int/mediacentre>.

профилактика қилиш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болаларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни ташхислаш ва даволашнинг замонавий юқори технологик усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³
Микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни эрта ташхис усуллари ўрганиш бўйича илмий тадқиқот, даволаш ва олдини олиш дунёдаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, British Thoracic Society British BTS «Schneider» (Исроил), «Sharite» университети клиникаси (Германия), «Gelderberg» университети клиникаси (Германия), Хаима Шибба номидаги давлат тиббиёт маркази Сафра болалар касалхонасида (Исроил), Oxford университетида (АҚШ), Washington университетида (АҚШ), California университетида (АҚШ), Weill Cornell Medical College of Cornell University (АҚШ), University of Pittsburgh Cancer Institute (АҚШ), Department of Public Health Sciences (АҚШ); Medical Research Council (Буюк Британия), Россия Тиббиёт Фанлар Академияси Педиатрия илмий-тадқиқот институти (Россия), И.М. Сеченов номи Москва тиббиёт академиясининг болалар шифохонасида (Россия), ФДМБ илмий текшириш олийгоҳининг болалар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

³ Диссертациянинг мазмуни бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

пульмонология бўлимида (Россия), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан асоцирланган микст инфекцияли болаларнинг клиник-диагностик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот асосида қатор натижалар олинган, жумладан, янги туғилган чақалоқларда зотилжамни учраши (University of Pittsburgh, АҚШ), касалликнинг кучайиши сабаблари, атипик микрофлора билан вируслар ассоциацияси (*Chlamidia pneumonia* ва *Mycoplasma pneumonia*) (American Academy of Emerdency Medicine, АҚШ); цитокинлар фаоллиги ошиши билан кечувчи тизимли яллиғланиш фаоллик жараёнини касалликнинг эрта босқичида аниқлаш (Royal College of Phisicians of London, Англия); мушак ривожланиши заифлиги, юрак етишмовчилигида ИЛ-6, мушак массасининг камайишида ИЛ-8 ўрни (University of Pittsburgh, АҚШ); суяклар атрофик ўзгаришлар ривожланишида ФНО- α яллиғланишга хос цитокин ўрни исботланган (РФА болалар саломатлиги илмий маркази, Россия); бронх-ўпка тизимида яллиғланиш билан цитокинларни ўрни ва суякларни қайта тикланиши ўртасида ўрни исботланган (University of Modena and Reggio Emilia, Италия); касаллик патогенезида липид пероксидацияси ўрни исботланган (University of London, Англия).

Дунёда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан асоцирланган TORCH-инфекцияли болаларни замонавий ташхислаш, даволаш, олдини олиш, реабилитация усуллариини такомиллаштириш ҳамда илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни ривожланишида патогенетик механизмларни ишлаб чиқиш; юзага келадиган ва хавф омилларининг даражасини асослаш; клиник ва биокимёвий хусусиятларни аниқлаш; нитрат оксиди ва про- ва антиоксидант тизимларининг хусусиятларини ўрганиш; иммун ва цитокин ҳолатини баҳолаш; вирусга қарши, мембранани стабиллаштирувчи ва иммункоррегирловчи препаратларни қўллаш орқали болаларда микст инфекция билан асоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни дифференциал даволаш усуллариини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг маълумотларига кўра ШББЗнинг кенг тарқалганлиги, ҳамда ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги кузатилган (Круглякова Л.В., Нарышкина С.В., 2014; Кошкарина Е.А., ва ҳаммуал., 2019). Диагностика усуллариини доимий такомиллаштирилиши, юқори самарали антибактериал дори воситаларининг мавжудлиги ва уларни кенг фаол қўлланилишига қарамай, шунингдек, шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам ижтимоий ривожланган мамлакатларда юқумли касалликлар тизимидаги касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ичида ҳанузгача номаълум бўлиб етарлича ўрганилмасдан қолмоқда (Кошкарина Е.А., ва ҳаммуал., 2019; Fauci A.S., Morens D.M., 2012; Agata Z., et al., 2017). ШББЗни бир

катор кўзғатувчилар: респиратор вируслар, пневмотроп бактериялар, замбуруғлар ва атипик кўзғатувчилар келтириб чиқаради (Лесина О.Н., ва ҳаммуал., 2015; Кошкаринна Е.А., Квашнина Д.В., 2019). Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗда про- ва антиоксидант тизим кўрсаткичларини ўрганиш, нитрат оксидини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгалиги исботланган (Касымова Е.Б., 2014; Исмаилов К.И., Кудратова С.Н., 2015; Денисенко Ю.К., Новгородцева Т.П. 2020).

МДХ давлатлари ва хорижда зотилжамнинг болалик давридаги турли жиҳатлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, ШББЗ билан оғриган болаларни олиб бориш бўйича янгиланган хорижий кўрсатмалар пайдо бўлган. Ҳақиқий амалиётда эрта ташхис қўйиш ва болаларда ШББЗни рационал даволашни танлаш жиддий муаммо саналган (Геппе Н.А., ва ҳаммуал., 2015; Зайцева А.А., Синопальников А.И. 2020). Сўнгги йилларда педиатрлар ва бошқа мутахассисликлар шифокорлари томонидан болаларда микст инфекциялар кечиши исботланган. Касалликнинг прогнозини яхшилаш мақсадида энг катта қизиқиш бронх-ўпка патологияда нишон аъзо бўлган бронхларнинг шиллиқ қаватида узоқ вақт персистирланувчи хусусиятига эга бўлган ва бронхларнинг яллиғланиш жараёнини узоқ муддатли доимий турғун кучайтирувчи тўқима ичидаги инфекцияларнинг ўрнини аҳамияти исботланган. Бундай инфекцияларга асосан микоплазма, хламидия ва цитомегаловирус инфекцияси учраши кузатилган (Капустина Т.А., ва ҳаммуал., 2013; Esposito S., et al., 2014; Косенчук В.В. ва ҳаммуал., 2019; Harris M., Clark J., Coote N., et al., 2011). Юқумли касалликлар патогенезидаги янги жиҳатларни ўрганиш, хусусан азот оксиди (NO) ва унинг метаболитларини ўз ичига олган ҳужайралар аро ўзаро таъсир медиаторларини ўрганиш айниқса педиатрияда алоҳида қизиқиш уйғотган. Эркин радикал хусусиятларга эга бўлган ҳолда, NO тананинг кўплаб биокимёвий жараёнлари ва функцияларини назорат қилган (Соодаева С.К., ва ҳаммуал., 2016; Чучалин А.Г. 2017; Плешков В.В., Анащенкова Т.А. 2020).

Ўзбекистонда олимлар томонидан вирусларнинг узоқ вақт давом этиши иккиламчи иммунитет танқислигига олиб келиши, бу эса вирусларнинг фаоллашувига ва касалликнинг тез-тез қайталанишига сабаб бўлиши исботланган. Яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқариш, секреция ва қабул қилишнинг бузилиши инфекцияга қарши ҳимоядаги чуқур нуқсонларга, "иммунологик фалаж" нинг ривожланишига олиб келиши ва микроорганизмлар ҳамда уларнинг токсинларининг ўпка тўқимасига бевосита зарар етказувчи таъсирини кучайтирилиши исботланган. Прогрессирланувчи иммун етишмовчилик касалликнинг сурункали кечиши шаклланиши билан патологик реакциялар доирасини ёпиши аниқланган (Бобомуратов Т.А., Камалов З.С. ва ҳаммуал., 2021). TORCH-инфекцияси билан боғлиқ ШББЗ билан оғриган болаларни ташхислаш ва даволашда мавжуд ўзгаришларга қарамасдан, ушбу беморларни даволашда янги самарали ёндашувларни қўллаш бўйича кўплаб мунозарали масалалар мавжудлиги қайд этилган (Агзамова Ш.А., 2015).

Микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли болаларда клиник, биокимёвий, серологик ва иммунологик ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва патогенези асосида касалликнинг коррекция усулларни қўллаш орқали авж олишини камайтириш, шунингдек касалланиш ва болалар ўлими даражасини камайтириш, ёш авлодни тўлақонли фаол ҳаётини таъминлаши мумкин. Шу нуқтаи назардан, болаларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан ассоцирланган микст инфекциясида ташҳислаш усуллари ва ҳавф омиллари, даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг амалий жиҳатдан энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ИТСС-2,3 142-сонли «TORCH–инфекциялари билан ассоцирланган нафас олиш органлари касалликлари билан узоқ вақт касалланган болаларда клиник-иммунологик ва гемостатик параллеллар, уларнинг ташҳиси, давоси ва профилактикаси» (2009-2011 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда микст-инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг учраш даражаси, ривожланиш хавф омиллари, клиник-биокимёвий, серологик ва иммунологик хусусиятларини аниқлаш ва дифференцирланган даволаш схемасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) учраш даражасини, хавф омиллари ва клиник кўринишларнинг хусусиятларини аниқлаш;

шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли болаларда микст инфекцияларни (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) серологик усуллар билан аниқлаш ва диагностик аҳамиятини баҳолаш;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) азот оксиди, про- ва антиоксидант тизимлар кўрсаткичларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) иммун ҳамда цитокин ҳолатини диагностик аҳамиятини ва уларнинг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) клиник кечиши, биокимёвий, серологик, иммунологик ўзгаришлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташҳислаш ва даволаш схемасини ишлаб чиқиш;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) дифференциал даволаш самарадорлигини узоқ муддатли кузатувлар асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази пульмонология бўлимидаги 281 та микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети биокимёвий, серологик ва иммунологик тадқиқотлар учун веноз қон, қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, рентгенологик, биокимёвий, серологик, иммунологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) учраш даражаси ва прогностик ҳавф омиллари сифатида: пери- ва интранатал ҳолатлари, преморбид фон ва ёндош касалликлар (OR, RR>1,0; p<0,01; p<0,001) ўрни исботланган;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) азот оксиди, про- ва антиоксидант кўрсаткичларининг патогенетик аҳамияти кўрсатилган: МДАнинг ортиши, СОД ва каталаза миқдорининг МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган болаларда яққол пасайиши билан намоён бўлган, яллиғланиш жараёни активлигини баҳолашда қўшимча прогностик мезони сифатида фойдаланилиши исботланган;

болаларда, микоплазма, хламидия ва герпесвирус инфекцияси билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда информатив диагностик маркёрлари сифатида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг (ИЛ-1 β , ИЛ-4, ИЛ-8, TNF α) 2,3-3,0 марта ортиши ва IFN γ миқдори камайиши аниқланган, шунингдек про- ва антиоксидант, иммун тизими (r=+0,54-0,66 ва r=+0,52-0,61 p<0,001), азот оксиди ва иммун тизими r=+0,53-0,59 ва r=+0,52-0,61 p<0,001) кўрсаткичлари ўртасидаги ишончли мусбат корреляцион боғланиш исботланган;

болаларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда микоплазма, хламидия ва герпес вирус инфекцияси билан касалланган беморларни олиб бориш ва даволаш учун ишлаб чиқилган схемалар даво самарадорлигини ошириш, касалликнинг қайталаниш даражасини камайиши ва салбий оқибатларини олдини олиши исботланган;

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) касалликнинг клиник кечишига ижобий таъсир этувчи вирусга қарши, мембраностабилловчи ва иммунокоррегирловчи дори воситаларини қўллаш натижасида биохимик (азот оксиди, липидларнинг перекисли оскидланиши ва антиоксидант тизими гиперпродукциясига олиб келувчи) ва иммунологик кўрсаткичлар нормаллашиши орқали патогенетик асосланган

дифференциаллашган даволаш усуллари ишлаб чиқилган, касалликнинг ремиссия даврининг узайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда (микоплазма, хламидия ва герпес вирусли) хавф омилларини эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш учун қўшимча диагностик меъзонлари ишлаб чиқилган;

болаларда микст инфекция (микоплазма, хламидия ва герпес вирус) билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда биокимёвий ва иммунологик хусусиятларнинг ўзгариши баҳоланган, қўшимча прогностик ва диагностик меъзонлари ишлаб чиқилган;

тиббиёт муассасалари амалий фаолиятига болаларда микст инфекция (микоплазма, хламидия ва герпес вирус) билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда вирусга қарши, мембраностабилловчи ва иммунокоррегирловчи дори воситаларини ўз ичига олувчи дифференциаллашган даволаш схемалари ишлаб чиқилган;

болаларда микст инфекция (микоплазма, хламидия ва герпес вирус) билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам касаллигида ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган дифференциаллашган даволаш усуллари асосланган бўлиб амалиётга татбиқ этилиши орқали профилактика ва даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалардаги микоплазма, герпес вирус ва хламидия инфекциялари билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда клиник, биокимёвий, серологик ва иммунологик маълумотларни баҳолаш орқали улар ривожланишининг патогенетик механизмларини очиб беради ва Республикада чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади. Олинган клиник маълумотлар шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда микст инфекциянинг ривожланиш хавфи мезонларини асослайди ва соғлиқни сақлаш амалиёти учун илмий тадқиқотларнинг такомиллашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган беморларни олиб бориш ва даволаш учун ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган схемалар мембраностабилловчи, вирусга қарши ва иммунокоррегирловчи препаратлар ёрдамида клиник ҳолатни барқарорлаштиришга, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига

ижобий таъсир қилиб, касалликнинг ремиссия даврининг узайишига ва салбий оқибатларини олдини олишига, иктисодий сарф-харажатларни қисқартирилиши ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда микст инфекция билан асоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни ташхисини ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда микст инфекцияли зотилжамни даволашда салбий оқибатлар ривожланишининг олдини олиш ва касалликнинг оғир ва мураккаб шакллarga ўтиш хавфини камайтириш асосида ишлаб чиқилган «TORCH-инфекцияси билан асоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли болаларга ташхис қўйиш ва даволаш усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-р/144-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши микст инфекцияли шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли болаларда ташхислаш ва даволаш усуллари самарадорлигини ошириш имконини берган;

болаларда микст инфекцияли зотилжамни даволашда салбий оқибатлар ривожланишининг олдини олиш, касалликнинг оғир ва мураккаб шакллarga ўтиш хавфини камайтириш асосида ишлаб чиқилган «TORCH- инфекцияси билан асоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли болаларга комплекс даволаш тадбирлари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 ноябрдаги 8н-р/1075-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши беморнинг клиник ҳолатини, биокимёвий, иммунологик кўрсаткичларни яхшилашга, узоқ муддатли ремиссияга эришишга ва касаллик асоратларини камайтириш имконини берган;

TORCH-инфекцияси билан асоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам бўлган болаларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази пульмонология бўлими, Жиззах, Андижон ва Тошкент вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21263-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши қайталанувчи ўткир респиратор инфекциялар даражасини 1,6 мартага ва уларнинг асоратларини қайталанувчи бронхит ва зотилжам даражасини 1,4 мартага камайиши ҳисобига иктисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 18 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда бронх-ўпка патологиясидаги TORCH-инфекцияси билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамга замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, бунда муаммонинг ҳозирги ҳолати, касалликнинг тарқалиши ва хавф омиллари, патогенезнинг иммунологик механизмлари, иммунорегуляцияда цитокинларнинг иштироки, шунингдек, касалликнинг ташхиси ва даволаш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг «**TORCH-инфекцияси билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг клиник таснифи, тадқиқот усуллари ва дифференциялашган даволаш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида вазифалар ечимини таъминловчи материаллар, тадқиқот усуллари ва дифференциялашган даволаш усуллари келтирилган. Болаларда микст инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамида (микоплазма, герпес вируси ва хламидия) касалликнинг учраш даражасини аниқлаш учун белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида 2009-2015 йй. даврида шифохонада даволанган беморларнинг касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили ўтказилган.

5592 та касаллик тарихи ретроспектив таҳлили асосида 4384 (78,4%) ида бронх-ўпка патологияли ШББЗ аниқланган, улардан 20,3% та беморда микст инфекция билан, 67,3% беморда микоплазма инфекцияси (МИ), герпес вируси инфекцияси (герпес вирус инфекцияси (ГВИ) ва цитомегаловирус инфекцияси (ЦМВ), 20,1% та беморда микоплазма, хламидия инфекцияси (ХИ), 12,6%ида МИ, ХИ ва ГВИ билан қўшилган беморларда аниқланган.

281 нафар 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган ШББЗли болаларда проспектив чуқур тадқиқот ўтказилди. Улардан, 115 (40,9%) беморлар МИ ва ГВИ, 97 (34,5%) тасида МИ ва ХИ, 69 (24,6%) тасида МИ, ХИ ва ГВИ, 45 нафар бола таққослаш гуруҳи сифатида кўриқдан ўтказилди. Назорат гуруҳи шу ёшдаги 24 нафар амалда соғлом болалардан иборат бўлди. Беморларда умумклиник, лаборатор текшириш жараёнида серологик, биокимёвий ва иммунологик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

TORCH-инфекциялари ташхиси иммунофермент (ИФТ), молекуляр генетик (сийдик ва қонда полимераза занжир реакцияси (ПЗР) таҳлил ёрдамида амалга оширилган. Авид индекси (АИ) ЦМВ, ГВИ, хламидия ва микоплазмалар махсус IgG ни, қон зардобиди «ДС-ИФА-АНТИ-G авидлик» тест-тизим ёрдамида аниқланди (ИИЧА «Диагностика тизимлари», Нижний Новгород). Иммунофермент тахлили Labsystem Multiscan MCC/340» (Финляндия) апаратида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг биокимёвий усуллари NO даражасини П.П. Голиков ва ҳаммуал. томонидан тасвирланган усул бўйича нитратлар ва нитритларнинг метаболитлари (NO₂ ва NO₃) йиғиндиси билан аниқлашни ўз ичига олган (2000). Липидларнинг пероксидлаш махсулотларини қон зардобиди малон диальдегид (МДА)ни «Beckman DU 650» (АҚШ) спектрофотометр ёрдамида аниқланган. Каталазанинг антиоксидант ҳимоя фаоллиги ва қон зардобиди супероксиддисмутаза (СОД)ни биокимёвий анализатор «EOS Bravo Forte» да (Италия) аниқланган.


Иммунологик текширув иммун тизими кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан ўтказилган: CD3⁺-, CD4⁺-, CD8⁺-, CD16⁺-, CD20⁺-лимфоцитларни, А,М, G иммуноглобулинлар концентрацияси, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (НФА)ни ЎЗР ФА иммунология ва инсон геномикаси институтида ўтказилган. Иммунофермент анализ усулида қон зардобиди -IL -1β, IL-4, IL-6 и IL-8 цитокинлар концентрацияси яримавтоматик ИФ анализатор Multiscan FC» (Финляндия) ёрдамида ЎЗР ССВ РИПИАТМ биокимё институти лабораториясида аниқланган.

Дифференциаллашган даволаш схемасини танлашда микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗли беморлар уч гуруҳга бўлинган: I гуруҳ (назорат) 115та ШББЗли бемор (48та бемор МИ ва ГВИ билан, 45- МИ ва ХИ билан, 22-МИ, ХИ ва ГВИ билан), умумкиритилган анъанавий базис даво, ёшига мос пархез, кўрсатмага кўра витамин ва минераллар, антибактериал, вирусга қарши, антигистамин воситалар, мукорегуляторлар ва балғам кўчирувчи воситалар, симптоматик даволаш ва физиоумолажалар олаётганлар кирган; II гуруҳ – 67 та ШББЗли бемор МИ ва ГВИ билан, умумкиритилган базис даволаш билан биргаликда клацид ва генферон Лайт (1та шамчадан. 2 маҳал/сут. 10 кун, сўнг 1 шамчадан кун ора 3 ой давомида); 52 та бемор ШББЗли МИ ва ХИ билан, умумкиритилган антибактериал даволаш билан биргаликда клацид (7,5 мг/кг кунига 2 маҳал млда, 14 кун давомида) ва цитовир-3 (1 ёшдан 3 ёшгача болаларга - 2 млдан кунига 3 маҳал; 3 ёшдан 6 ёшгача болаларга - 4 млдан кунига 3 маҳал 12 кун давомида, курс 3 ой давомида хар 3 хафтада такрорланди); 24 та ШББЗли

бемор МИ, ХИ ва ГВИ билан, умумкиритилган антибактериал даволаш билан биргаликда клацид (7,5 мг/кг кунига 2 махал млда, 14кун давомида) ва Т-лайф (1 флакондан 1 махал 30 кун, сўнг 1 флакондан кунига 2 махал хафтасига 2 ой давомида); III гуруҳ: 23 та ШББЗли бемор МИ, ХИ ва ГВИ билан, умумкиритилган антибактериал даволаш билан биргаликда клацид (7,5 мг/кг кунига 2 махал млда, 14 кун давомида), Т-лайф (1 флакондан кунига 1 махал 30 кун давомида, сўнг 1 флакондан 2 махал хафтасига 2 ой давомида) ва протеплазид (1-3 ёш болаларга 2 томчидан кунига 2 махал ва 3ёшдан 6 ёшгача 4 томчидан кунига 2 махал 3 ой давомида).

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Office Excel-2010 пакетида ишланган дастур томонидан амалга оширилди. Ўртача арифметик киймат (M), уларнинг стандарт хатоси (m) ва Фишер-Стюдент мезони бўйича ишончли фарқларни ҳисоблаш билан вариацион статистика усулларидан фойдаланилган. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усуллари ёрдамида бажарилган.

Диссертациянинг «Болаларда ТОРСН-инфекцияси билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг клиник ва биокимёвий хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ўз тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган. ШББЗ ривожланиш эҳтимоли хавфининг омили таҳлилида 1-расмда кўриниб турибдики, МИ, ХИ ва ГВИли ШББЗда: хомиладорликни патологик кечиши 44,9% (RR=2,0, OR=6,5), хомилали тушиш хавфи – 18,8% (RR=1,8, OR=9,9), асфиксия 24,6% (RR=1,8, OR=6,9), хомиладорлик давридаги ЎРИ 63,8% (RR=2,3, OR=6,9) билан кузатилди ШББЗ га нисбатан солиштирилганда.



1-расм. Болаларда микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ нинг ривожланиши эҳтимоли хавф омилларининг таҳлили, (%)

ШББЗни МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳида ишончли тарзда кўпроқ ЎРК билан тез-тез касалланиш 97,1% (RR=11,43, OR=50,25), зотилжам 92,7% (RR=5,21, OR=21,1), ўткир обструктив бронхит 84,0%, (RR=2,8, OR=9,6), рекуррент кечувчи бронхитлар билан 76,8% (RR=2,32, OR=7,33), конъюнктивитлар 75,4% (RR=2,30, OR=7,52), гепатитлар 65,2% (RR=2,23, OR=10,18), отитлар 79,7% (RR=3,07, OR=15,71) кузатилди.

МИ, ХИ ва ГВИ билан ассоцирланган ШББЗли болаларда фон ва ёндош касалликлардан (2-расм), 79,7%ида (RR=3,07; OR=15,7) I-II даражали камқонлик, 67,7%ида (RR=2,0; OR=6,18) неврологик бузилишлар, ЛОР аъзолари касалликлари 56,2%ида (RR=1,55; OR=3,20), 34,8%ида жисмоний ва рухий ривожланишдан орқада қолиш (RR=1,49; OR=3,46), 46,4%ида озик-овқат ва дориларга аллергия (RR=1,67; OR=4,35) аниқланди.

Касалхонага ётқизилган барча гуруҳдаги беморларда интоксикация ва юқори тана харорати синдроми кузатилган. ШББЗ МИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларнинг 53,9% тана харорати 6 кунгача сақланиб турган, ШББЗ МИ ва ХИ билан касалланган 78,4% ва ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ касалланганларнинг 94,2% беморларда субфебрил тана харорати кузатилган. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги 72,0% болаларда интоксикация белгилари шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган беморларга нисбатан узок кузатилган.




2-расм. Болаларда микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ нинг фон ва ёндош касалликлари омиллари тахлили, (%)

Касалликнинг доимий ва характерли белгиларидан йўтал 95,5% беморларда кузатилган. Қуруқ, тез-тез такрорланувчи, балғамсиз, пароксизмал йўтал 86,6% ва 78,3% ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳидаги, ҳамда ШББЗ МИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда бир хил учраш даражасида кузатилган. Аускультатив текширув натижасида 59,5% ҳолатда асосан нафаснинг сусайиши аниқланган. Нафас сусайиши ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамга нисбатан 2,9 баробар кўп учраган. Текширув гуруҳидаги 80,7% беморларда турли калибрдаги қуруқ ва нам хириллашлар эшитилган. Қуруқ ва нам хириллаш ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларга хос бўлган. Бизнинг кузатувимизга кўра болалар терисидаги тошмалар ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларнинг 55,0% кузатилган бўлиб, ШББЗ МИ, ХИ гуруҳидаги болаларда 32,9% ва ШББЗ МИ ва ГВИ - 24,3% ҳолатларга мос равишда бўлган. Лимфа тугунларининг катталашishi 60,7% болаларда аниқланган. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги, ҳамда, МИ ва ХИ гуруҳидаги болаларда ШББЗ МИ ва ГВИ беморлар билан таққослаганда сезиларсиз гепатомегалия аниқланган.

Таҳлил қилинган омиллар натижаларига кўра, ШББЗни МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳида бўлган 94,2%ида (RR=5,04; OR=16,9) беморларда субфебрил ҳарорат, 95,6%ида (RR=5,26; OR=16,1) хуружсимон йўтал, 81,2% беморда (RR=2,7; OR=9,5) хар хил калибрли куруқ ва нам хириллашли йўтал кузатилди.

Рентгенологик текширув таҳлил қилинганда ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ беморларда кўп ҳолатларда ўпка расмининг чегараланган кучайиши аниқланган. Ўпка расмининг тарқоқ кучайиши ШББЗ МИ ва ХИ беморларга хос бўлган. Кўкрак қафаси аъзолари рентген текширувида ўпкада тарқоқ инфилтратив ўзгаришнинг ноаниқ соялари аниқланган, битта ёки бирқанча юмалоқ ёки ноаниқ шаклга эга бўлган соя ёки диффуз интерстициал инфилтрат, уларнинг сони ҳажми зотилжамнинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлган.

Микст инфекция билан асоцирланган ШББЗли беморларда специфик IgG антитаналар борлиги ИФТ усулида текширилган қон тест натижалари 3-расмда кўрсатилган.




3-расм. Текширув ўтказилаётган беморларда ИФТ натижалари, (Е/мл)

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, МИ ва ГВИли ШББЗда Мусорlasma кўринишида IgG антитанлари титрининг нормал қийматларга нисбатан 7,8 марта сезиларли ошиши, Cytomegalovirus 6,7 марта, Gerpes simplex 5,5 марта, ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳида Мусорlasma pneumonia 8,3 марта, Chlamydia pneumonia 7,4 марта, ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳида Chlamydia pneumonia – 9,2 марта, Мусорlasma – 9,4 марта, Cytomegalovirus – 8,3 марта, Gerpes simplex – 6,2 мартага ошди. 60,8% текширилган болаларда инфекцияланиш қондаги РПМ ни ижобий натижалари ва 42,3% сийдикда тасдиқланди. Веноз қониди ва сийдикдаги

TORCH кўзгатувчиларининг геномининг детекцияси РПМ усули билан аниқлаганда ЦМВ ДНК си ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳда сийдикда - 30,4% ва сал камрок қонда - 56,5% тасида, Herpes simplex – 33,4% ва 60,8% учрайди. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳида сийдикда микоплазма зотилжамининг ижобий РПМ натижалари 47,8%, қонда 56,5%, ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳида 44,3% ва 64,9% ни ташкил этди. Юқоридаги гуруҳларга кўзгатувчи Chlamydia pneumoniae геномлари 71% ва 68,1%; 68% ва 59,8% ташкил қилди. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳида микст инфекциянинг геномлари қонда Mycoplasma pneumonia 57,3%, сийдик чўкмасида 40,9% аниқланди; Herpes simplex 64,3% ва 20%; Cytomegalovirus 59,1% ва 25,2% да аниқланди ($p < 0,05$). Олинган серологик текширувлар (ИФТ, РПМ), натижаларини таҳлил қилинганда, ҳозирги замонда кўп ҳолларда ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ билан ассоцирланган деган хулосага келдик. Бу маълумотлар TORCH- инфекция билан ассоцирланган ШББЗ билан касалланган болаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатди.

Беморларнинг қон зардобида азот оксиди таркибини ўрганиш (4-расм) ШББЗ бўлган болаларда азот оксиди алмашинувининг сўнгги маҳсулотларининг даражаси соғлом болаларниг кўрсаткичларига нисбатан 1,2 марта ошгани аниқланди. ШББЗ нинг вирусли инфекциялар билан комбинацияси қон зардобида ушбу метаболитларнинг таркибини янада оширди. Микст-инфекцияси йўқ ШББЗ га нисбатан ($p < 0,001$), ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда $\text{NO}_2(\text{NO}_3)$ миқдори $16,1 \pm 0,5$ ммоль/л га нисбатан ошган ва бу кўрсаткич соғлом болаларниг кўрсаткичларига нисбатан 1,7 баробар ошган эди.



4-расм. Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ ли беморларда азот оксиди кўрсаткичлари, ($M \pm m$)

NO нинг миқдори ошишига қарамай, соғлом болаларга нисбатан барча гуруҳ болаларининг қон зардобида eNOS нинг ингибиторланиши 1,2, 1,4, 1,5 ва 1,8 марта қайд этилди. Бу кўпроқ микст инфекциялар билан кечадиган ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳида кузатилди, унда микст инфекциясиз кечадиган ШББЗ га нисбатан eNOS оксилнинг миқдори $11,2 \pm 0,4$ мкмол/мин*мг гача камайиши кузатилди ($p < 0,01$). ШББЗ билан касалланган беморларнинг қонида НР нинг фаоллиги, соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан 1,1 мартага, ШББЗ МИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда – 1,2 мартага, ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳидаги беморларда - 1,3 мартага ошди. Айниқса ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда қонида НР нинг $0,43 \pm 0,02$ ммол/мин*мг гача ошиши (2,0 марта, $p < 0,001$) кузатилди, бу ШББЗ нинг микст инфекциясиз кечадиган болаларга нисбатан 1,8 ($p < 0,001$) марта юқори эди.

Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ билан касалланган беморларнинг қонида ONOO-миқдори бўйича ўтказилган текширувлар ШББЗ МИ ва ГВИ гуруҳи беморларида 1,6 марта, ШББЗ гуруҳида унинг миқдори 1,3 марта ортиши кузатилди. ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳидаги болаларда унинг миқдори 1,9 баробар ошди. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда бу модданинг кескин ортиши қайд қилинди, ONOO - қонда $0,23 \pm 0,002$ ммол/л гача кўпайиши кузатилди, бу эса микст инфекциясиз кечадиган ШББЗ га нисбатан 2,3 ($p < 0,001$) марта юқори ва соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан 2,9 марта ошди.

Базис даво ўтказилгандан сўнг ШББЗ МИ ва ХИ гуруҳидаги беморларда (I гуруҳ) даволашдан олдинги кўрсаткичларига нисбатан NO миқдорининг 1,1 марта камайишини кўрсатди ($p > 0,05$), ONOO миқдори 1,2 марта ($p > 0,05$) камайиши, НР миқдори 1,1 марта ($p > 0,05$) камайиши, eNOS 1,1 марта ($p > 0,05$) ошишини кўрсатди, лекин бу соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан ҳали юқори эди.

ШББЗни МИ ва ХИ гуруҳидаги беморларда (I гуруҳ) ўтказилган анъанавий даволаш, даволашдан олдин дастлабки қийматларга нисбатан NO, НР ва ONOO нинг бир оз пасайишига олиб келди, 1,0-1,1 марта ($p > 0,05$), лекин соғлом болалар кўрсаткичларидан 1,4; 1,2 ва 1,7 ($p < 0,01$) марта юқори эди; eNOS фаоллиги соғлом болаларга нисбатан 1,4 марта ($p > 0,05$) паст эди.

ШББЗни МИ ва ХИ гуруҳидаги беморларда (I гуруҳ) базис терапия NO тизими кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилмади. Биз фақат NO ни $15,2 \pm 0,6$ мкмоль/л, ONOO-ни $0,19 \pm 0,008$ мкмоль/л гача, НР оксилни $0,40 \pm 0,02$ мкмоль/мин*мг гача пасайишига эришилди ($p > 0,05$). Шу билан бирга, даволашдан олдинги маълумотлар билан солиштирганда eNOS даражаси оксили $10,4 \pm 0,7$ ммол/мин *мг гача ишончли ошмади ($p > 0,05$). Бироқ, бу маълумотларнинг барчаси амалда соғлом болаларнинг кўрсаткичларидан ошган эди. Бу эса қўзғатувчи омиллар мавжудлиги таъсирида рецидивлар хавфи борлигини кўрсатади.

Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ билан касалланган беморлар қонида МДА даражасининг ўзгариши натижалари унинг кўпайишининг яққоллиги турлича эканлигини кўрсатди. ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда барча 3 инфекциялар бирлашганда, МДА

8,4±0,6 нмол/мл га микст инфекцияларсиз кечадиган ШББЗ билан касалланган болаларга нисбатан солиштирилганда ($p<0,001$) сезиларли даражада ошди, бу кўрсаткич соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан 3,6 марта ошди. Шу билан бирга ШББЗ МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда энг яққол гиперлипипероксидланиш кузатилиб, бошқа гуруҳлар кўрсаткичларини 1,9 ва 1,2 мартага сезиларли даражада ошди. Даволашдан олдин беморларнинг қонида МДА даражасининг ошишига сабаб, эҳтимол, эркин радикалларнинг кўпайиши ҳисобланади.

ШББЗни МИ, ХИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларда базис даволаш ўтказилгандан сўнг юқори ахамиятли МДАнинг даволашгача бўлган болаларга нисбатан 7,6±0,5 нмоль/мл гача биров камайишига эришилди ($p>0,05$). МДАнинг миқдори соғлом болаларнинг норматив кўрсаткичларидан 3,3 марта юқори эди.

ШББЗни МИ ва ГВИ гуруҳидаги беморларнинг қон зардобиди АОС кўрсаткичлари натижалари СОД оқсиллини ишончли камайишини кўрсатди ва каталаза оқсили фаоллиги ШББЗ микст инфекциясиз кечадиган болаларга нисбатан ($p<0,05$) пасайишини, бу эса соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан 1,4 ва 1,3 марта паст эди. Бу пасайиш ШББЗ МИ ГВИ гуруҳидаги беморларда айниқса сезиларли эди.

Учта инфекцияларининг комбинацияси билан (МИ, ХИ ва ГВИ) ШББЗ билан касалланган беморларда СОД ва каталаза фаоллиги микст-инфекцияларсиз ($p<0,001$) ШББЗ билан касалланган болаларга нисбатан сезиларли даражада пасайиши кузатилди, бу кўрсаткич амалда соғлом болалар қийматларига нисбатан 2,8 ва 2,0 баробар паст бўлди.

Микст инфекцияли ШББЗ нинг базис даволаш самарадорлик тахлили даволашдан сўнг АОС ферментларининг фаоллигининг паст ошиши кузатилди, бу эса ПОЛ-АОС тизимида номунособлик ва АОС нинг компенсатор қобилятига паст таъсир этди.


Шундай қилиб, микст инфекцияли шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг ривожланишига, кечишига ва натижасига беморнинг ноўя пери- ва интранатал даврлари, хамроҳ ва ўтказган касалликлар фониди ривожланиши таъсир этади. Яллиғланиш ва унга хамроҳ бўлган оксидатив стресс, NO ва унинг метаболитлари тизимидаги номунособликларга, пероксинитратлар ва оксидловчи фосфорланишга олиб келади. Характерли жихати - бу антиоксидантлар таркибининг доимий пасайиши фониди прооксидантлар фаоллигининг ошиши, бу эса касалликнинг ноўя кечишига тахмин қилинишига ва бу параметрлардан фойдаланиш ушбу гуруҳ беморларни даволашда керакли коррекционий ўз вақтида киритишга имкон беради.

Диссертациянинг «TORCH-инфекция билан ассоцирланган шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжам билан касалланган болаларда иммунитет ва цитокин ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида TORCH-инфекцияси билан ассоцирланган ШББЗ билан касалланган болаларда иммунологик ҳолатининг тадқиқотлар натижалари акс этирилган.

Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗнинг Т-звено иммун тизимида Т-лимфоцитлар ва Т-хелперлар сезиларли танқислиги билан боғлиқ бўлган номутаносиблик аниқланади, шунингдек, иммунорегулятор номутаносиблик билан кечувчи ($p < 0,001$) $CD8^+$ - ижобий лимфоцитларнинг ишончли ортиши билан намоён бўлади. $CD4/CD8$ иммунорегулятор индекси (ИРИ) даражасининг амалий соғлом болалар гуруҳидаги маълумотларга нисбатан сезиларли пасайиши аниқланган бўлиб, бу $CD4^+$ га нисбатан $CD8^+$ хужайралар сонининг ошиши билан боғлиқдир. $CD4/CD8$ ИРИ сининг сезиларли пасайиши ШББЗ ни МИ ва ХИ билан, МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган болалар гуруҳларида рўйхатга олинган.

$CD16^+$ -лимфоцитларнинг ШББЗ ни микст инфекциясиз гуруҳига нисба-тан нисбий сонининг ортиши аниқланган ($19,2 \pm 0,8\%$ нормада $10,8 \pm 0,6\%$, $p < 0,001$) бўлиб, бу кўрсаткич 1,5 мартага юқори бўлган. ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан, ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда НК хужайраларининг миқдори микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан 1,2-1,3-1,5 марта юқори эканлиги аниқланди. ФАНнинг сезиларли пасайиши аниқланган бўлиб ($42,8 \pm 0,9\%$ да $56,8 \pm 1,1\%$ нормада, $p < 0,001$), бу кўрсаткич микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан 1,2 марта камайган.

ШББЗ ни МИ ва ГВИ (5-расм) билан касалланган беморларда $CD20^+$ лимфоцитларнинг миқдори ($p < 0,01$) назорат гуруҳига нисбатан ошганлиги ва микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан эса 1,1 баробар юқорилиги аниқланган.




5 - расм. Микст инфекция билан ассоцирланган ШББЗ ли болаларда лимфоцитлар активлик маркерлари ва апоптоз миқдори, ($M \pm m$)

ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда $CD20^+$ лимфоцитлар миқдорининг ($p < 0,001$) назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ошганлиги ва микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан эса 1,3 ва 1,4 баробар

юқорилиги аниқланган. ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан ва ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда ўтказилган асосий даво муолажаларидан сўнг гуморал иммунитет кўрсаткичлари CD20⁺-лимфо-цитлар миқдорининг даво муолажаларидан олдинги кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз пасайганлигини кўрсатди.

ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда лимфоцитларни фаоллаштириш маркёри ва апоптоз даражасини ўрганиш натижаларига кўра, CD25⁺ иммунофенотипининг миқдори микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан 1,3 марта камайганлигини кўрсатди ва улар цитотоксик Т-лимфоцитларнинг фаоллашуви ва пролиферациясига жавоб беради (5-расм). ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда CD25⁺-лимфоцитларнинг микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан 1,6 ва 2,0 мартагача камайганлиги аниқланди. CD25⁺-лимфоцитларнинг нисбатан энг паст миқдори ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан касалланган беморларда, нисбатан энг кўп миқдори эса, ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда аниқланган. CD95⁺-лимфоцитлар миқдори микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан 1,1 мартага юқори бўлган. ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда CD95⁺-лимфоцитларнинг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ошганлиги ($p < 0,001$), микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган беморларга нисбатан эса 1,2 ва 1,3 мартага камайганлиги кузатилди. ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморлар гуруҳида улар сонининг энг кўп кўпайиши аниқланди. ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан, ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда касаллик динамикасини ўрганиш давомида ўтказилган асосий даво муолажаларидан сўнг CD25⁺-лимфоцитларнинг даволашдан олдинги олинган кўрсаткичларга нисбатан кам миқдорда ўсганлигини кўрсатди. ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан, ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда ($p > 0,05$) ўтказилган асосий даво муолажалари CD95⁺-лимфоцитлар миқдорининг даволашдан олдинги олинган кўрсаткичларга нисбатан сезиларсиз даражада пасайганлигини кўрсатди.

Цитокин холатининг натижалари таҳлили шуни кўрсатдики (6-расм), IL-1 β даражаси ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан касалланган беморларда назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан ($p < 0,01$) 3,5 марта, таққослаш гуруҳига нисбатан (микст инфекциясиз ШББЗ) эса 1,8 марта ошганлигини кўрсатди ($p < 0,05$). ШББЗ ни МИ ва ХИ билан ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда IL-1 β даражаси амалий соғлом болалар ($p < 0,001$) маълумотларига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланган.



6-расм. Болаларда микст инфекцияси билан ассоцирланган ШББЗ нинг цитокин кўрсаткичлари, (M±m)

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, микст инфекциясиз ШББЗ билан касалланган болаларда IL -4 даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,7 марта, ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан касалланган беморларда 2,4 марта, ШББЗ ни МИ ва ХИ билан касалланган беморларда 3,2 марта ва ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда эса назорат қийматларидан 4.0 марта юқори бўлганлигини кўрсатди. ШББЗ ни МИ ва ГВИ билан касалланган беморларда IL -4 даражаси таққослаш гуруҳига нисбатан 1,4 марта ($4,6 \pm 0,6$ пг/мл, $p < 0,01$) ошди. ШББЗ да IL-8 даражаси назорат гуруҳидан 1,8 марта юқори бўлган ($p < 0,05$). МИ билан ГВИ қўшилганда IL-8 даражаси назорат гуруҳидагидан 3,4 марта, МИ ХИ билан ассоцирланганда 4,5 марта, ШББЗ ни МИ, ХИ ва ГВИ билан касалланган беморларда эса назорат гуруҳига ($p < 0,01$ дан $< 0,001$ гача) нисбатан 5,5 марта ортди.

